*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 2 апрель • сешанба № 13 (853)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Миллионлар ўйини ва мухлислик маданияти



4

“Ёш ҳуқуқшунослар” республика кўрик-танлови

## Энг зукко, заковатли ва билимдон ёшлар беллашуви





**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ юридик соҳага ихтисослашган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг эркин фикрлаш ва нутқ маданиятини ўстириш, улар орасида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда “Обод турмуш йили”га бағишлаб Адлия вазирлиги томонидан “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Микрокредитбанк” ОАТБ ҳамкорлигида пойтахтимиздаги “Темирйўлчилар” маданият саройида “Ёш ҳуқуқшунослар” кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.**

ЎЗИГА хос серқирра ва қизиқарли тадбир бўлажак ҳуқуқшунослар хотирасида бир умрга ёдда қоларлик воқеа бўлди, десак муболаға эмас. Байрамона безатилган муҳташам саройни тўлдирган ёш йигит-қизларнинг юз-кўзларида ҳаяжон, ишонч ва бахтиёрлик сурури балқиб турибди.

Бугун уларнинг ҳуқуқий билимлари, заковат ва истеъдодлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан синовдан ўтади. Кўзларида чақнаб турган ўт эса ўқув даргоҳларида берилаётган билимнинг мустаҳкамлигидан, салоҳият соҳибларининг ўзларига ишончидан далолат.

Мана саҳнага Тошкент юридик коллежининг **“Куч адолатда”**, 2-Тошкент юридик коллежининг **“Консенсус”**, Наманган юридик коллежининг **“Ўзбегим ёшлари”**, Фарғона ҳуқуқшунослик коллежининг **“Статус — КВО”**, Жиззах ҳуқуқшунослик коллежининг **“Концул”**, Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежининг **“Дивиантус”**, Нукус ҳуқуқшунослик коллежининг **“Мустақиллик қанотлари”** жамоалари Ўзбекистон байроғи остида кўтаринки руҳ, шодиёна шукуҳ ва ўзбекона таъзим билан чиқиб келишди. Ватанимиз мадҳи янграганда қўллари кўксида, бошлари мағрур бу Ўзбекистон ёшларини кўрган ҳар бир юртдошимизнинг қалби фахр-ифтихор ва шукроналик туйғулари билан тўлиб-тошиши табиий.

Тадбир давомида унинг ташкилотчилари ва иштирокчиларидан интервьюлар олишга ҳаракат қилдик.

**Кўчқор ТОҒАЕВ,**
**Адлия вазири ўринбосари:**

*— Ёшлар жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли ворисларидир. Давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб жамиятнинг эртанги кунини тасаввур этиш мумкин.*

*Ҳар қандай жамият тараққиётининг шаклланиши бевосита кенг қамровли ислоҳотларнинг моҳиятини ҳамда дунё сиёсатида юз бераётган воқеаларни идрок этувчи ёшларни тарбиялаш жараёни билан боғлиқдир.*

*Шу нуқтаи назардан, мустақиллик йилларида Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида ёшлар камолотига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратила бошланди. Барча соҳалар каби таълим тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Хусусан, халқимизнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлари асосида замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларига асосланган кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизими яратилди.*

*Ҳуқуқшунослар тили билан айтганда, ўтган йигирма бир йил давомида Конституция ва 15 та кодексдан ташқари, айнан баркамол авлод вакилларига бевосита дахлдор бўлган 22 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та Фармони ва 11 та Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори ҳамда 32 та идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги бу борада амалга оширилган ишлар нақадар салмоқли эканлигини кўрсатади.*

*Биргина, мустақилликнинг илк йилида қабул қилинган* ***“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”****ги Қонун, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича устувор йўналиш ҳисобланади.*

*Ўтказилаётган халқаро анжуманлар, форумларда Ўзбекистоннинг бу йўналишда эришган ютуқлари бир қатор давлатлар учун андаза сифатида эътироф этилмоқда. Жорий йилнинг 22-23 январь кунлари пойтахтимизда “Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги илмий-амалий конференциянинг ташкил этилганлиги ҳам юқоридаги ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий фаоллигини ошириш билан “Обод турмуш йили”га муносиб совға бўлди.*

*Президентимиз таъбири билан айтганда,* ***“Бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллашларида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз”.***

*“Ёш ҳуқуқшунослар” республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад юридик соҳага ихтисослаштирилган ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий билими ва маданиятини янада юксалтириш, Конституция ва бошқа қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, касбий малака ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқшунослик касбига қизиқиши, иқтидори юксак ўқувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборатдир.*

*— Дарҳақиқат, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунчилик асослари, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ зарур институционал тузилмалар, соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларга давлат томонидан ғамхўрликни кучайтириш каби йўналишлардаги Ўзбекистон тажрибаси халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.*

*Айтиш жоизки, ўз навбатида, бугунги авлод амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини, янги ижтимоий муносабатларни чуқур англаши ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилиши зарур. Бу эса ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг янги усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан мазкур танлов ёшлар фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларни танлаш ва рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.*

*“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” Миллий дастури асосида ташкилотчилар томонидан икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган кўрик-танлов аввалгиларидан янгича йўналишда, ёшларнинг бевосита талаб ва таклифлари, уларнинг интилишларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди ва бойитилди, — дейди Адлия вазирлигининг масъул ходими Лолахон Каримова.*

Танловнинг саралаш босқичида мамлакатимиздаги ҳуқуқшуносликка ихтисослашган ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Саралаш босқичида ғолиб, деб топилган 7 та коллеж жамоаси республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганди.

Уч босқичдан иборат республика танловининг 1-шартида гуруҳлар ўз жамоаларини ва таълим олаётган ўқув даргоҳларини таништириб, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қонун устуворлиги, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришнинг муҳим аҳамиятини саҳна кўринишлари ва кўргазмали қуроллар билан ифодалаб, ўзларининг бу борадаги билимларини намойиш қилдилар. Таъкидлаш жоизки, дўстона беллашув майдонида 7 та жамоанинг ҳар бири бугунги ёшларимизнинг иқтидори, интеллектуал салоҳияти, нутқ маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги тобора юксалиб бораётганини яна бир бор кўрсата олди.

Кўрик-танловнинг 2-шартига кўра, бўлажак ҳуқуқшуносларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари йўналишидаги билимлари баҳоланиши баробарида, ҳуқуқшунослик касбига иқтидори ва лаёқатлари ҳам ўзига хос тарзда синовдан ўтди.

2



Минбар

## Тинчликни асраш

учун, аввало, унга нисбатан бўлаётган хавф-хатар нималардан иборатлигини аниқ билиш талаб этилади

**ҲОЗИР дунё шунчалик даражада тез ўзгариб, мураккаблашиб, қалтислашиб кетдики, зийракликни, огоҳликни бир зум йўқотган миллат, жамият оғир муаммоларга дуч келиши мумкинлигини ҳаёт кўп бор исботлади. Бугун бизга яқин ва узоқ мамлакатларда содир бўлган ва бўлаётган тўс-тўполон, ғалаён, турли номдаги инқилоблар, давлат тўнтаришлари ҳам бунга яққол мисол бўла олади.**



БУ ҚОНЛИ воқеаларнинг бизга дахли йўқ, деб ўйласак, катта хато қиламиз. Чунки бугун дунёнинг бир бурчагида чиққан ўт эртага бошқа бир ҳудудда такрорланмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бугун ҳаммамизга аёнки, бу каби воқеаларнинг буюртмачилари, ташкилотчилари бор, дунёга ўт қўйишни касб қилиб олганлар бор.

Бугун араб мамлакатларида содир бўлган даҳшатли хунрезликлар, инқилоблар сабабларини мутахассислар турлича баҳолашмоқда. Қонли инқилоблар сабабларининг умумий ўхшашликларидан бири эса бу — давлат ва жамият қурилишида ислоҳотлар, янгиланишлар изчил олиб борилмагани, турғунлик ҳолатлари одамлар руҳиятига таъсир этганида, деб қаралмоқда. Ташқи ғаразли кучлар айнан шу каби муаммолардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишди. Бу кўп синовлардан ўтган тажриба аслида. Ташқи кучлар қайси мамлакатда бузғунчилик ишларини олиб борадиган бўлса, аввало, ўша мамлакатда одамларни безовта қилаётган камчилик ва муаммолардан усталик билан фойдаланади.

Юз берган фожиаларнинг яна бири ахборот хуружларига нисбатан ўз вақтида чора-тадбир кўрилмаганида, деб ҳисобланмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, араб мамлакатларида бу воқеалар содир этилишидан анча олдин ғаразли кучлар аввалига пинҳона, кейинроқ очиқчасига ахборот урушлари олиб борган. Ахборот хуружлари ўз ишини қилганини бугун ҳаёт кўрсатиб турибди.

Ушбу воқеа-ҳодисаларни кўриб туриб, мамлакатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ бу масалаларга нега бунчалик жиддий эътибор қаратгани, халқимизни қайта-қайта ҳушёр ва огоҳ бўлишга, тинчликни асрашга даъват этгани сабабларини чуқурроқ англай бошлаймиз.

Дарҳақиқат, ахборот технологиялари ривожланиб боргани сайин, ахборот қудратли воситага айланмоқда. Ғаразли кучлар учун эса ахборот даҳшатли қурол. Бугун ҳар қандай замонавий қурол маълум ҳудудни вайрон эта олади, ахборот эса тўсиқ билмайди, чегара билмайди, ҳудуд билмайди.

Дунёдаги катта давлатларнинг геостратегик ҳудудлардаги давлатларга қизиқишлари, уларнинг табиий бойликларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишлари оқибатида турли сиёсий ўйинлар ўйлаб топилмоқда, бузғунчиликлар, инқилоблар уюштирилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган йиллар давомида бундай синовларни биз ҳам бошимиздан ўтказдик, ўзимизга тегишли хулоса ва сабоқлар олдик.

Шу ўринда бир масалага алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Ташқи кучлар қайси йўллар билан бизга таҳдид солмоқда ва бу таҳдидлар нималардан иборат? Таҳдидларнинг турлари кўп. Президентимиз асарларида улар чуқур таҳлил этиб берилган. Кейинги йилларда дунёда содир бўлаётган воқеалардан хулоса чиқариб айтадиган бўлсак, ҳозир асосий таҳдид ёшларимизнинг онгини заҳарлашга, уларни миллий қадриятларимиздан узоқлаштиришга қаратилган таҳдиддир. Маънавиятимизга, миллий мафкурамизга қаратилган бундай хуружлар учун ташқи кучлар катта-катта маблағлар сарф қилмоқда, ахборот технологиялари воситалари имкониятларидан фойдаланмоқда. Ташқи кучлар нишонни асосан ёшларга қаратаётганининг сабаби шундаки, уларда ҳаёт тажрибаси кам, мустақил фикр шаклланиб улгурмаган ва қизиққон бўлади. Бунинг устига ёшларда ўзини кўрсатишга мойиллик ҳам кучли бўлиши маълум. Эътибор берган бўлсангиз, дунёнинг қайси ҳудудида бўлмасин, тўс-тўполонларнинг биринчи сафларида асосан ёшларни кўрамиз. Қўлига қурол олиб, жазавага тушиб, бақириб-чақираётган бу ёшлар айнан ахборот хуружлари, ёт ғоялар қурбонига айланган, бузғунчи ғояларга қарам бўлиб қолган. Ўз йўлидан адашган, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган, миллий қадриятлардан, миллий ғурурдан ажралган кишини бемалол ҳар хил кўйга солиш мумкин.

Демак, ҳозир таҳдидларнинг янги-янги шакллари, услублари пайдо бўлаётган экан, биз ҳам уларга қарши янги, замонавий усуллардан, ўта таъсирчан усуллардан фойдаланмоғимиз зарур. Мамлакатимиз раҳбари уқтирганидек, бундай жаҳолатли таҳдидларга қарши асосий қуролимиз маърифат ишлари бўлмоғи керак. Агар миллий истиқлол ғояси ёшлар онгига қанчалик чуқур сингдирилса, уларни миллий қадриятларимиз руҳида, чинакам ўзбекона қадриятлар билан қуроллантирсак, ёшларимизни ҳар қандай таҳдидлардан асраб қола оламиз.

Маънавияти юксак, миллий ғурури, орияти кучли ёшлар ҳеч қандай ёт ғоялар таъсирига тушмайди ва аксинча, улар Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади.

**Сафар ОСТОНОВ,**
**“Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

## Ўзбекистон Миллий матбуот марказида

**26 март.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида **“Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоятлардаги филиал ҳамда бўлимлари жаҳон тиббиётида энг самарали тизим сифатида эътироф этилаётганлиги тўғрисида”** матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Президентимизнинг 2009 йил 21 майда қабул қилган **“Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”**ги Қарорига таянган ҳолда шошилинч тез тиббий ёрдам хизмати муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимнинг транспорт паркини бойитиш ҳамда соҳа мутахассислари малакасини ошириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар хусусида сўз юритилди.

* * *

**27 март. “Ўзбекэнерго” ДАК** томонидан **“Мамлакатимизда энергетика тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”** мавзуида навбатдаги семинар ўтказилди.

Айни пайтда республика бўйлаб “Электр ҳисоб” дастурий комплекси биллинг тизими жорий қилингани, тижорат банклари, PAYNET ва “SMS тўлов” тўлов тизимлари дастурлари билан туташиш имконияти яратилиб, тўловларни on-line режимида қабул қилиш амалга оширилаётгани айтиб ўтилди. Шунингдек, бунинг натижасида ҳисоб рақами, исм-шарифи, яшаш манзили, охирги тўлов, тўлов вақтидаги қарздорлик ҳақида маълумотлар орқали истеъмолчининг ҳисоб рақамига тўловларнинг хатосиз тўғри келиб тушиши таъминланаётгани таъкидланди.

* * *

**28 март.** Ўзбекистон Марказий банки томонидан **“Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда банк тизимининг ўрни”** мавзуида семинар уюштирилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, “Ёш оилаларга — уй-жойлар” дастури бўйича бу йил республикамизнинг барча минтақаларида **105 та** кўп қаватли уй-жой қурилади ва бунинг учун тижорат банклари томонидан **262,3 миллиард** сўмдан ошиқ маблағлар йўналтирилади. Шунингдек, “Қишлоқ қурилиш банк” кредит ресурсларининг асосий қисми қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида **10 мингта** якка тартибдаги уй-жой қурилишига сарфланиши мўлжалланган.

Шу йилнинг 10-11 апрель кунлари “Банк экспо” кўргазмаси намойиш этилиши режалаштирилган.

* * *

**29 март.** «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ва «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ҳамкорлигида босма оммавий ахборот воситаларини аҳолига етказишда янада қулай шарт-шароит яратиш ва хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Вақтли нашрларни тарқатиш тармоғи замонавийлаштирилиб, хизматларнинг янги турлари, хусусан, матбуот нашрларига интернет орқали обуна бўлиш, обуна тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилиш жорий этилгани алоҳида таъкидланди.

**Хабарларни “Инсон ва қонун” мухбири Мадина ҲАМДАМОВА саралади.**

*“INSON va QONUN”* ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

*“HUQUQ va BURCH”* ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

“Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами” расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

*LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.*
LexUZ on-line
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz Тел: 236-73-98,
website: www.lex.uz 236-17-33

# Энг зукко, заковатли ва билимдон ёшлар беллашуви

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Яхши ҳуқуқшунос нафақат юридик, балки бошқа соҳалар, шу жумладан, санъат, адабиёт ҳатто актёрлик маҳоратидан ҳам хабардор бўлмоғи керак, деган сўз кўрик-танловнинг 3-шартида ўз тасдиғини топди. Якуний босқичда жамоалар ташкилий қўмита томонидан берилган ҳуқуқий мавзулар асосидаги саҳна кўринишларида одам савдоси, "оммавий маданият" ниқоби остидаги маънавиятимизга қаратилган турли таҳдидлар, интернет тизимидаги ахлоқсиз сайтлар, диний экстремизм ва бошқа бузғунчи ғояларнинг ёвуз мақсадлари, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари каби иллатларни қоралаб, бадиий истеъдодларини намоён қилдилар.

**Кумринисо АБДУРАСУЛОВА, ҳакамлар ҳайъати раиси:**



*— Ушбу танловда ҳайъат раиси сифатида мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижа бераётганлигига яна бир бор амин бўлдим. Айрим шахсларда Тошкент шаҳри пойтахт бўлганлиги боис барча ресурслар, олимлар, имкониятлар мавжуд эканлигидан келиб чиқиб, билим олиш, кадрлар тайёрлаш масаласи яхшироқ, деган фикрлар ҳам бор. Бироқ, танлов натижалари бу фикрнинг тўғри эмаслигини, республикамиз вилоятларида ҳам ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилаётганлигини яна бир бор исботлади.*

*Тадбир жараёнида ўқувчиларнинг мамлакатимиз қонунларини, ҳуқуқий соҳадаги ўзгаришларни ўрганишга бўлган иштиёқлари, саъй-ҳаракатлари мени ниҳоятда қувонтирди. Келажагимиз эгалари бўлган ёш ҳуқуқшуносларнинг жавобларидан, улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят ва Жиноят процессуал, Фуқаролик ва Фуқаролик процессуал кодексларини, қонунни қўллаш амалиётини ўрганишга ҳаракат қилаётганлигини, шунингдек, суд ва ҳуқуқий соҳада бўлаётган ўзгаришларнинг моҳиятини англаши маълум бўлди. Тадбир давомида барча жамоа аъзолари, уларни қўллаб-қувватлаш учун келган ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар ва ўртоқлари ҳам ҳуқуқий билимларга эга бўлдилар, маънавий озуқа олдилар, десам хато бўлмайди. Ушбу танловда ўқувчиларнинг нафақат ҳуқуқий билимлари, балки актёрлик маҳоратлари ҳам намоён бўлганлигини таъкидлаш жоиздир. Фарғона ҳуқуқшунослик коллежининг "Статус — КВО" жамоаси "Обод маҳалла — обод турмуш асоси", Тошкент юридик коллежининг "Куч адолатда" жамоаси "Диний экстремизм — жамият тараққиёти кушандаси", Жиззах ҳуқуқшунослик коллежининг "Концул" жамоаси "Фермерлик ҳаракати — қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги кафолати", 2-Тошкент юридик коллежининг "Консенсус" жамоаси "Мустаҳкам оила — давлат ва жамият негизи", Наманган юридик коллежининг "Ўзбегим ёшлари" жамоаси "Соғлом турмуш тарзи — баркамол авлод гарови", Нукус ҳуқуқшунослик коллежининг "Мустақиллик қанотлари" жамоаси "Экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари", Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежининг "Дивиантус" жамоаси "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — тараққиёт гарови" мавзуида уй вазифаларини юқори даражада бажарганликларининг гувоҳи бўлдик.*

*Ўтказилган танлов ўқувчиларнинг юридик билимларга чанқоқ эканлигини, уларнинг янада кўпроқ ўрганишга ҳаракат қилаётганлиги, ўқитувчиларнинг билим ва тарбия беришдек вазифаларига масъулият билан ёндашаётганлигини ва ўз куч-ғайратларини аямаётганликларидан далолат беради.*

Ҳа, билимлар рингида кучлилар ичида кучлиси сараланади. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига асосан, барча шартларда билим ва иқтидорини тўлиқ намоён этган Фарғона ҳуқуқшунослик коллежининг "Статус — КВО" жамоаси 3-ўрин ва III-даражали диплом, Наманган юридик коллежининг "Ўзбегим ёшлари" жамоаси 2-ўрин ва II-даражали диплом, Тошкент юридик коллежининг "Куч адолатда" жамоаси 1-ўрин ва I-даражали дипломга лойиқ топилиб, ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Барчага шодиёна руҳ, байрамона кайфият улашган беллашувда ёшлик шижоати ва дўстлик риштлари ғолиб бўлди, дейишга тўла асос бор. Буни танлов иштирокчиларининг ўзлари севган эстрада хонандаларининг қўшиқларига монанд қувноқ рақсларидан, ғолиб жамоалар қувончига бирдай шерик бўлганларидан ҳам билса бўлади. Муҳими, мазкур тадбир ёш ҳуқуқшунослар учун келгусида ўзига хос мактаб вазифасини ўташи муқаррар.

**Ўткир БЎТАЕВ, "Микрокредитбанк" ОАТБ бошқаруви раиси ўринбосари:**



*— Дунёнинг ҳеч бир давлатида ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлиғи ва келажагига кўрсатилаётган эътибор Ўзбекистондаги каби юксак даражада эмас, дейишга тўла асос бор. Буни биргина "Микрокредитбанк" фаолиятининг қуйидаги мисолларидан ҳам билса бўлади.*

*Хусусан, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан "Энг яхши оилавий бизнес лойиҳа" танлови ташкил этилиб, юртдошларимизга "Оила фаровонлиги учун" хизматлар мажмуаси тақдим этилди. Ушбу хизматлар жамланмаси асосан келажак учун сармоя бўлиб, коллеж битирувчиларига бошланғич сармоялар, томорқа ободончилиги учун микрокредитлар, оилавий ҳунармандчилик учун сармоялардан ташкил топди.*

*Шунингдек, вилоятлар ўрта махсус касб-ҳунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида қарийб 3 минг 100 га яқин коллеж битирувчиларига 9,8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилиб, 4 минг 142 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бу йўналишдаги муваффақиятли фаолиятимиз мамлакатимизда ташкил этилган "Банк экспо — 2012" кўргазмасида ҳам исботини топиб, кўргазмада "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинацияси соҳиби бўлди.*

*Ўтган йилнинг 3-4 апрель кунлари Голландиянинг Амстердам шаҳрида бўлиб ўтган "Ёшлар молияларини ривожлантириш ташкилоти"нинг биринчи Халқаро саммити ва тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банки ёшларга молия хизматлари кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги, шунингдек, болалар ва ёшлар молияси каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилди.*

**Воҳидбек ТОШПЎЛАТОВ, Тошкент юридик коллежи "Куч адолатда" жамоаси сардори:**



*— Тўғрисини айтсам, бугунги мусобақага биз, албатта, ғолиб бўламиз, деган қатъий ишонч билан келган эдик ва ғолиб бўлдик. Бу, албатта, энг аввало, устозларимизнинг бизга берган билимлари, меҳнатларининг самараси ва келгусида қўлга киритадиган улкан ютуқларимизнинг илк дебочаси, дейиш мумкин.*

*Биз, албатта, ўқишда, ишда ҳамма вақт ва қаерда бўлмайлик биринчи навбатда ота-онамизнинг, устозларимизнинг, давлатимиз ва Президентимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ишончини оқлашимиз керак.*

**Алдонғар ЮЛДАШЕВ, Нукус ҳуқуқшунослик коллежи "Мустақиллик қанотлари" жамоаси сардори:**



*– Мусобақа қизғин, дўстона ва адолатли бўлди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан кўрик-танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқиши муносиб баҳоланди.*

*Бу тадбирдан кўп фойдали билимларга ва катта таассуротларга эга бўлдик. Бизга, айниқса, самарқандлик тенгдошларимизнинг она шаҳри Самарқандга инглиз тилида таъриф берганлари, чет эллик сайёҳлар билан эркин мулоқот қилганлари жуда ёқди.*

*"Ёш ҳуқуқшунослар" республика кўрик-танловида мамлакатимизнинг олд юридик коллежлари қаторида иштирок этиш катта шараф.*

**Жаҳонгир СИДИҚОВ, Фарғона ҳуқуқшунослик коллежи ўқитувчиси:**



*— Мен, аввало, "Ёш ҳуқуқшунослар" кўрик-танлови ташкилотчиларига, ўз номимдан ва ўқитувчилар, ота-оналар номидан катта раҳмат дейман. Ҳар биримиз учун ҳаяжонли, қизиқарли ўтаётган бу каби тадбирлар ўғил-қизларимизнинг маънавиятини, ҳуқуқий билим ва маданиятини, дунёқарашини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.*

*Ёшларимизга бир қаранг-а, босган қадамларидан ўт чақнайди. Шижоатли, дадил, ҳозиржавоб. Давлатимизда фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай, бахтли-саодатли, жисмонан ва маънавий соғлом инсон бўлиб вояга етишлари, ўзлари қизиққан касб-ҳунарга эга бўлиб, жамиятда муносиб ўринга эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар, имтиёз ва имкониятлар яратилган. Бугунги тадбир ҳам айнан ёшларимиз учун, уларнинг юксак маънавияти, салоҳияти, илму маърифати учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик уммонидан бир қатра, десак адашмаймиз.*

**Ёдгор УМАРОВ, Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежининг "Дивиантус" жамоаси сардори:**



*— Ушбу танловга тайёргарлик жараёнида ўқиган китобларимиздан халқаро юридик тилда "Дивиантус" ибораси вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг мажмуаси, деган маънони англатишини билдик. Ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси, ғамхўрлик ва эътибор рамзи сифатида жамоамизни шу ном билан аташга қарор қилдик.*

*Ушбу мусобақада қатнашганимиздан жуда хурсандмиз, ўзимиз учун кўпгина фойдали хулосалар олдик. Биз Қорақалпоғистон Республикасидан келган дўстларимизнинг бадиий чиқишлари орқали қардош қорақалпоқ халқининг миллий анъаналари ва удумлари билан яна бир бор яқиндан танишдик, ўзимизни гўё қорақалпоқ элида юргандек ҳис қилдик. Қорақалпоғистонлик дўстларимиз билан мустаҳкам ришта боғлаб, уларни Самарқандга таклиф қилдик, ўз навбатида, биз ҳам дўстларимизнинг ўқув даргоҳидаги ҳаётлари билан яқиндан танишиш учун Нукусга саёҳат қилишни режалаштириб олдик.*

Кўриниб турибдики, қизиқарли, қизғин таассуротларга бой тарзда ўтган ушбу кўрик-танлов ўқувчи ёшларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини, ҳуқуқий тафаккур ва маданиятини янада ошириш, мустақил фикрлаш ва яратувчанлик қобилиятларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА, "Инсон ва қонун" мухбири**

## Ҳуқуқий тарғибот

# Ислоҳотлар муваффақияти

## фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига боғлиқ

**МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар, жамиятни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, демократиянинг ривожланиши, ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамланиши, аввало, жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланганлик даражаси, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши ва ўз фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Бунда жамиятнинг тараққиётини таъминловчи шахснинг ижтимоий фойдали, сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги мазкур жараённинг муҳим жиҳати ҳисобланади.**

БУГУНГИ кунда, юридик таълим ва фан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда, қонунчиликни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан 2013 йилнинг 1-чорагида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид 102 та, мустақиллик моҳиятига оид 93 та, инсон ҳуқуқларига оид 118 та, тадбиркорликка оид 66 та, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишни кучайтиришга оид 60 та, бошқа қонун ҳужжатларига оид 265 та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Айрим ҳолларда, нима учун биз сиёсий-ҳуқуқий фаол шахсни шакллантиришда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ҳамда сиёсий-ҳуқуқий фаолликни юксалтиришга катта аҳамият беряпмиз, бу билан ҳуқуқий давлат қуришдаги уларнинг ролини бўрттириб юбораётганимиз йўқми, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, йўқ. Чунки шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини шакллантирувчи бош омиллардан бири унинг ҳуқуқий билими ва маданияти ҳисобланади. Бу масаланинг қай даражада долзарблиги тўғрисида Президентимиз шундай дейди: **"...олдимизда турган ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч — бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир"**.

Дарҳақиқат, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Ҳуқуқий маданият амалдаги қонунчилик асослари борасидаги муайян билимни, ундан фойдаланиш кўникмасини назарда тутади. Жамият ҳуқуқий тизими ҳамда амалдаги қонунчилик ҳақида зарурий билимларга эга бўлмасдан туриб, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошира олмайдилар ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қила олмайдилар. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали сиёсий-ҳуқуқий фаол шахсни шакллантиришда ҳуқуқий билимлар тарғиботи алоҳида ўрин тутади.

Ўз навбатида, ҳуқуқий билимлар тарғиботининг асосий мақсади шахсда ҳуқуқий онгни шакллантириш, яъни ҳуқуқий нормаларнинг мазмун-моҳиятини билиш, уларга ихтиёрий ва онгли равишда риоя қилишни тарбиялаш ва бу жараёнда ёшларнинг ҳуқуқий онгига бевосита таъсир этувчи назарий ҳуқуқий билим ва малакаларни таркиб топтиришни узлуксиз таъминлашга қаратилиши лозим. Ҳуқуқий билим тарғиботи оилада, боғчада, мактабда, лицей-коллежларда ва институтларда олиб борилиши билан бир вақтда, уларга ҳар хил шаклда таъсир ҳам ўтказиши керак. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари ҳуқуқий нормаларни идрок этишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, уларнинг қонун билан белгиланувчи ҳуқуқ ва бурчларини ўзлаштиришларига эришишга ҳаракат қилиш; ҳуқуқий тарғибот самарадорлиги ахлоқий нормаларнинг талабларига қай даражада таянишига кўп жиҳатдан боғлиқлигини ҳисобга олиш; фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ҳар томонлама ривожлантириш, уларда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни бузишнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизликни тарбиялаш каби масалалар ҳуқуқий билимлар тарғиботининг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади.

**Баҳром ЭШМУРОДОВ, ТДЮИ ўқитувчиси**

## Анжуман

# Янгича фикр, янгича ёндашув

## ва замонавий услубларни ишлаб чиқиш талаб қилинади

ТДЮИда Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда "Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришнинг долзарб масалалари" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда давлат органлари ва муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.



— Ушбу илмий-амалий анжуманни ўтказишдан асосий мақсад, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбига она юртга муҳаббат, садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, уларда мустақил позицияни шакллантириш ва бу борада замонавий ахборот технологиялари ҳамда механизмларини яратиш, жамиятимизда мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган самарали усул ва услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишдан иборатдир, — дейди, тадбир ташкилотчиси ТДЮИ кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент Гулнора Носирхўжаева.

Мазкур анжуманда ахборот хуружлари кучайиб бораётган бугунги даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоялаш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш каби масалаларда атрофлича фикр юритилди. Жумладан, сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраевнинг таъкидлашича: "Ёшлар билан муносабатга киришишда зерикарли, эски услубдаги маърузалар билан эмас, балки уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини назарда тутиб, муомала қилиш керак. Уларнинг кўнглига йўл топиш учун, керак бўлса, замонавий тил лексикасини ўрганиш жоиз".

— Тадбир жуда қизғин тус олди, — дейди ТДЮИ магистранти Давлат Облақулов. — Анжумандан биз ёшлар катта ҳаётий сабоқ олдик, десам янглишмайман. Маърузачилар томонидан маънавий дунёқарашимизни шакллантиришда теледастурлар, газета ва журналлар, нашриётлар фаолиятини янада кучайтириш, бугунги долзарб мавзудаги маърузаларни мамлакатимиз ёшларининг ҳар бирига етказиш кераклиги ҳақидаги таклифлари муҳим аҳамиятга эга, назаримда. Чунки бундай тадбирдаги фикрларни ҳар бир ёш ўрганиб, хулоса чиқариши керак, деб ҳисоблайман.

Тадбир қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлиб, бундай учрашувларни мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА, "Инсон ва қонун" мухбири**

## Ўқув-машғулот

# Юзма-юз мулоқот

**МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигининг ўтган 21 йили давлатимиз ва халқимиз ҳаётида кенг кўламли ислоҳотлар, улкан янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилган давр сифатида тарих зарварақларидан жой олди. Истиқлол шарофати билан халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилашга муваффақ бўлиб, тараққиёт йўлимизнинг "ўзбек" модели ишлаб чиқилди.**

— АЙНИҚСА, асосий эътибор мустақил тараққиётимизнинг ўтган йиллари ўзининг маъно-мазмуни ва моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, фуқароларга муносиб ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришга ва шунга мувофиқ муҳим аҳамиятга молик дастурларнинг қабул қилинишига қаратиб келинди, — дейди Адлия вазирлигида ўтказилган навбатдаги ўқув-машғулот меҳмони **"Маҳалла" хайрия жамоат фонди раис ўринбосари Гавҳар Алимова**. — Жорий 2013 йилга Юртбошимиз томонидан "Обод турмуш йили" деб ном берилиши ҳам ўтган йиллар амалга оширилган аҳоли фаровонлиги ва турмушимиз ободлигини таъминлашдаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлмоқда. Бу борада "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва унинг бўлимларига жиддий масъулият юкланган бўлиб, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Юзма-юз мулоқотда тадбир иштирокчилари томонидан берилган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

**Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

## Жиноятга жазо муқаррар

# Мустақил Ўзбекистонни севаман дея...

**ЮРТИМИЗДА дин ва эътиқод эркинлиги таъминланганини қад ростлаётган масжиду мадрасалар, улуғ қадамжолар мисолида яққол кўриш мумкин. Бугун ҳар ким ибодат қилиш, диний билимларини кенгайтириш, ўқиб ўрганиш имконини қўлга киритди.**

БОШ ҚОМУСИМИЗ — Конституциямизнинг 31-моддасида **"Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди"**, дея ёзиб қўйилгани эса мамлакатимиздаги диний эркинлик кафолатини ифодалайди. Бироқ яратилаётган шароит ва эркинликни ўзича талқин қилиб, ишончни суиистеъмол қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Нуриддин Низомовни ана шундайлар қаторига қўшиш мумкин. У ўзининг шериклари Абдуғаффор Расулов, Алибек Илҳомбеков, Толиб Бердиев, Рихсибой Тўлаганов, Ботир Солиев, Ўктам Аҳмедов, Латиф Солибоев, Мухсинжон Ғафуров, Рустам Қодировлар билан диний жамоавий ибодат уюштириб келишган. Турли ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маърузаларни тарғиб қилишган. "Жамоат йиғилишларида" биргалашиб намоз ўқиб, диний қарашларни муҳокама қилганлар. Етмаганига шу мавзудаги Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган Обид қори Назаровнинг маърузалари ёзилган аудиокассеталарни эшитиб, уларни тарқатишни режа қилганлар.

Савол туғилади? Аслида заррача диний билимга эга бўлмаган кимсалар нимани, қандай ғояни тарғиб қилмоқчи эдилар? Уларнинг мақсади нима? Пана-пастқам жойларда йиғилиб, ақидапарастликни тарғиб қилиш асносида қандай қабиҳликни кўзладилар?

Дили бирнинг иши ҳам бир бўлади, дейишади. Фарҳод Аловуддинов ҳам ёт ғоялар тарғиботига ҳисса қўшгани учун суднинг қора курсисидан ўрин эгаллади. Бироқ суд мажлисида у диний экстремистик оқимларни қоралашини, уларга қаршилигини бот-бот такрорлади. Мустақил, тинч Ўзбекистонни севишини қўшиб қўйди. Судланувчи Нуриддин Низомов ҳам ушбу норасмий диний жамоат фаолияти 6 ойгина давом этганини, унда Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига қарши даъватлар бўлмаганини пеш қилди.

Суд инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида айбланувчиларнинг биринчи маротаба судланаётганлигини инобатга олиб, ҳукмни чиқарди. Унга кўра, Фарҳод Аловуддинов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддаси, 3-қисмининг "б" банди билан айбли, деб топилди. Унга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, тайинланган жазо шартли, деб топилди ва унга 3 йил синов муддати белгиланди. Нуриддин Низомовнинг эса 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2 йил синов муддати этиб белгиланди.

Хуллас, бағрикенг юртимизда инсонпарварлик ғояларини оёқ ости қилиш, кечиримлилик тамойилини суиистеъмол этишга уринган бу кимсалар, қилмишига яраша жазо олдилар.

**А. БЕКМУРОДОВ**

**ЮРТБОШИМИЗ томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги сифат босқичини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.**

КОНЦЕПЦИЯДА суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

## Фаолият

# Одил судловни таъминлашда

### билимли, ҳалол ва салоҳиятли кадрларнинг ўрни



Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, хусусан, **"Судлар тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқ ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни мустақил институтга айлантириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда.

Судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлаш тизимини, ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада таъминлаш, Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг 2012 йил 29 декабрда **"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги** Фармойиши қабул қилинди. Мазкур Фармойишга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида янги таҳрирдаги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тузилмаси тасдиқланди.

Янги таҳрирдаги ушбу Низомга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштириш сиёсатини амалга оширадиган доимий ишловчи орган ҳисобланади. Мазкур Низом билан Комиссия зиммасига умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьялари лавозимларига танлов ва тавсия этишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ бир қанча вазифалар юклатилди. Хусусан, комиссиянинг асосий вазифалари сифатида:

— судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатишда судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши тамойилини таъминлаш, уларнинг фаолиятини ва одил судлов жараёнини чеклашга қаратилган ҳар қандай уринишларни бартараф этиш;

— судьяликка номзодлар захирасини тайёргарлик кўрган, юқори малакали, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга, юридик ихтисослиги бўйича, аввалambор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда зарур иш стажига эга бўлган юристлар орасидан шакллантириш, захирани шакллантириш масаласида адлия, прокуратура, суд ва ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарлик қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда захирада турган шахсларнинг, шунингдек, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг касбий савиясини, суд фаолиятига хос кўникмаларини ошириш тизимини тубдан яхшилашни, уларда амалдаги қонун ҳужжатларига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун ва моҳиятига доир чуқур билимларни шакллантиришни таъминлаш;

— захирада турган номзодларнинг касбий ўсиши, билимларини ошириш жараёнининг тизимли мониторингини ташкил қилиш, уларнинг касбий, ишчанлик ва шахсий фазилатларини ўрганиш ҳамда шу асосда судья кадрлар захирасини доимий равишда янгилаб бориш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасида самарали ишлаши, уларнинг ўз олдида турган бошқа вазифаларни ҳал этиши учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий шарт-шароитлар яратиш, судьяларнинг хизмат ва мансаб поғоналари бўйича ўсишини таъминлайдиган кафолатларни, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жумладан, лавозимга қайта тайинлаш ёки ваколатлари тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш даврида ижтимоий муҳофаза қилиш механизмларини кучайтириш;

— судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши устидан назорат қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди Адлия вазирлиги билан биргаликда захирада турган шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқишлари, шунингдек, республиканинг тегишли судларида стажировкадан ўтишларини ташкил этади.

Шу билан бирга, судьялик лавозимларига номзодлар Юристлар малакасини ошириш марказида ўқиш, шунингдек, тегишли судларда стажировкадан ўтиш даврида асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда, меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармойишининг қабул қилинганлиги мамлакатимизда судлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича жиддий ҳуқуқий қадам, пировардида эса янада ижобий амалий ўзгаришларнинг асоси бўлиб қолади, десак муболаға бўлмайди.

**Даврон ҚАЛАНДАРОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

## Тизим тадбирлари

# Ёшлар ва ҳуқуқий тарбия

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, республика Маънавият тарғибот маркази ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида Тошкент Ахборот технологиялари университетида "Обод турмуш йили"га бағишлаб, "Ёшлар ва ҳуқуқий тарбия масалалари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

УНДА ёшлар ва ҳуқуқий маданият, маънавий ва ахлоқий тарбия, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида вояга етмаганлар ва ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислоҳотларни ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириш стратегияси белгилаб олинганлигини аниқ мисоллар орқали эътироф этишди.

Ривожланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг билими, дунёқараши кенг бўлиши муҳимдир. Адлия органлари томонидан манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий фаоллигини юксалтиришда дунёдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, муаммо ва таҳдидларга бағишланган турли мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа сиёсий ҳуқуқий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Тадбирда қонун ҳужжатларида вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган нормалар ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш механизмларини янада такомиллаштириш, вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича доимий равишда жамоатчилик фикрини ўрганишни кенгайтириш масалалари ҳамда бу йўналишда ёшларнинг фаоллигини оширишга қаратилган тегишли таклифлар билдирилди.

# Одам савдоси — мудҳиш жиноят

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2013 йил 20 мартда қабул қилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ҳуқуқий тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши ижросини самарали таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси аъзолари ҳамкорлигида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар, галдаги муҳим вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, ҳар қандай жиноятга қарши курашда тарғиботнинг барча турларидан унумли фойдаланиш яхши самара беради. Шу жиҳатдан, вилоят адлия бошқармаси ва унинг муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда давлат нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида одам савдоси, унинг салбий оқибатларини акс эттирувчи плакат ва буклетлар тайёрланиб, жамоатчиликка етказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам беришга йўналтирилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

Журналистларга вилоят адлия бошқармаси ва туман (шаҳар) ФҲДЁ бўлимлари, шунингдек, туман (шаҳар) давлат нотариал идоралари ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинларидаги диний-маърифат ишлари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда одам савдосига қарши курашишга қаратилган тадбирлар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, вилоят идоралараро комиссияси билан ҳуқуқий тарғибот тадбирларини кучайтириш, доимий равишда халқаро-ҳуқуқий тажрибани таҳлил қилиш, юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга кўмаклашувчи илмий асосланган таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган тадбирларни кенгайтириш, тарғибот тадбирларини амалга оширишда ОАВнинг барча кўринишларидан унумли фойдаланишга қаратилган тавсиялар билдирилди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

**2012 ЙИЛ 17 февраль куни Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган ёш авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашдаги масъулиятимизни оширди.**

ЁШЛАРИМИЗ бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олганида, одамларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш мумкин.

Тошкент давлат юридик институтида сўнгги йилларда талабаларнинг назарий билимларини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлашлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди. Юридик таълимни ривожлантиришда назария амалиётни ёритади, деган тамойилдан фойдаланилмоқда.

Кафедралар томонидан ўзларининг мутахассисликлари бўйича инновацион янгиликларни яратиш мақсадида турдош вазирликлар, корхона, муассаса ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, юридик таълимга ихтисослашган олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Хусусан, "Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи" ва "Фуқаролик процессуал ҳуқуқи" кафедралари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ҳузуридаги олий ўқув курслари, Савдо-саноат палатаси, Олий суд ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, шунингдек, "Фуқаролик

## Таълим ва тараққиёт

# Ўзаро ҳамкорлик ва инновация

### юқори малакали юрист кадрларни тайёрлашда қўл келмоқда

процессуал ҳуқуқи" кафедраси фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро суди, "Учтепа адвокатлари" адвокатлик ҳайъати "Номес Фемида" адвокатлик бюроси, Ҳакамлик судлари академияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Халқимизда юз марта эшитгандан бир марта кўрган маъқул, деган гап бор. Шунинг учун юқорида тузилган шартномалар талабаларнинг ўз қизиқишлари асосида ишга жойлашишларига ҳам ёрдам беради.

Амалиёт ходимлари билан ҳамкорликда дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, фан дастурлари тайёрлаш, амалиётда мавжуд муаммоларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар учун долзарб мавзулар базаси яратилди. Ўқув-машғулотларига тажрибага эга бўлган судьялар, бўлим бошлиқлари, пенсия жамғармаларининг малакали мутахассислари, Савдо-саноат палатаси, ФҲДЁ ходимлари, нотариус ва адвокатларнинг таклиф этилиши дарс жараёнларининг қизиқарли ўтишини таъминлайди.

Ҳамкорликда ўтказилаётган давра суҳбатларида иштирок этаётган мутахассислар ҳар касбнинг ўз ўрни, мақсад ва вазифалари, фуқаролик ишларининг судда кўрилиши, унда прокурор иштирокини таъминлаш асослари ва тартиби, юристнинг нотиқлик санъати, нотариат сирлари, таҳлилий характерга эга бўлган ҳужжатларни тайёрлаш учун тўғри ёндашиш, ёш педагог кадрларнинг малакасини ошириш, илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш ва қонун лойиҳалари бўйича ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Шунингдек, профессор-ўқитувчиларимиз дарс жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида Вестминстер университети тажрибасини ҳам ўргандилар.

Тошкент давлат юридик институти нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, балки халқ хўжалигининг барча соҳалари учун кадрлар тайёрлайди, шундай экан юқорида қайд этилган ўзаро ва инновацион ҳамкорликда олиб борилаётган ҳаракатлар ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

**Одина ЗОКИРОВА,**
**юридик фанлар доктори, профессор**

Малака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги 2-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 7 мартдаги №67-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HARBIY XIZMATCHILAR ISHLARI BO"YICHA MAXSUS" адвокатлар ҳайъати адвокати Турсункулова Камила Руслановнага 2010 йил 24 июнда берилган TN №001265 рақамли лицензиянинг ва 2010 йил 30 сентябрда берилган 1609-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги 2-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 7 мартдаги №67-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HAQIQAT HIMOYASI" адвокатлик фирмаси адвокати Жалилов Бавмирзага 2009 йил 5 июнда берилган TN №000567 рақамли лицензиянинг ва 2009 йил 30 июнда берилган 424-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги 2-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 7 мартдаги №67-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "SOBIR RAHIMOV ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Мирзаев Уткур Рихсиевичга 2009 йил 1 июнда берилган TN №000095 рақамли лицензиянинг ва 2009 йил 10 июлда берилган 684-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги 2-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 7 мартдаги №67-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "AL-SIT HUQUQ" адвокатлар ҳайъати адвокати Умарова Манзура Байбуваевнага Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 30 июнда берилган TS №000298 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми — 6 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги 2-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 7 мартдаги №67-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "AL-RAMUS HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Кравченко Татьяна Викторовнага 2009 йил 2 июнда берилган TN №000235 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми — 3 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги 2-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 7 мартдаги №67-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "APRIORI LIBERUM" адвокатлар ҳайъати адвокати Мирзаев Шухрат Кахрамановичга 2011 йил 18 июлда берилган TN №001439 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми — 6 ой муддатга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонуни 13[1]-моддаси, 6-қисми ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 31 мартдаги 85-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 18-банди ҳамда Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 22 мартдаги 26-ум-сонли буйруғига асосан "Бектемир-Амирмалик" адвокатлик бюроси адвокати Джабаров Темир Агамаматовичнинг адвокатлик мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар тўхтатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 25 мартдаги 17-А-ум-сонли буйруғига асосан Каимов Момбек Боранбаевичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 3 июнда TS 000196 рақамли, Абдурахмонов Истамжон Ахмадовичга 2011 йил 21 февралда TS 000335 рақамли ва Закиров Абдунаби Каримовичга 2009 йил 23 июнда TS 000263 рақамли адвокатлик мақомини олиш ҳуқуқи билан берилган лицензияларининг амал қилиши тугатилди.

## Адлия аралашгач...

# Зарарни қоплаш учун

### суғурта шартномаси тузганди. Аммо...

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ бошида Чимбой тумани, "Қизил узяк" ОФЙ ҳудудида фаолият юритувчи "Қару" фермер хўжалиги раҳбари К.Хожамуратовнинг "Ўзагросуғурта" ДАСК Чимбой тумани бўлими томонидан суғурта шартномаси мажбуриятлари бажарилмаганлиги, яъни тўланиши лозим бўлган суғурта пулларининг тўланмаётганлиги юзасидан норози бўлиб ёзган аризаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилди.**



ФЕРМЕР хўжалиги бошоқли дон ҳосили табиий офат натижасида нобуд бўлиши эҳтимоллигини назарда тутиб, кўриладиган молиявий зарарни суғурталаш учун "Ўзагросуғурта" ДАСК Чимбой тумани бўлими билан 2012 йил 31 январда шартнома тузган.

Шартномага асосан "Қару" фермер хўжалиги 426.300 сўм суғурта пулини тўлаган ва бўлим томонидан унга 0026187 рақамли суғурта полиси берилган.

Фермер хўжалиги раҳбари Қ.Хожамуратов кузги бошоқли дон ҳосили нобуд бўлганлиги тўғрисида 2012 йил 10 апрелда "Ўзагросуғурта" ДАСК Чимбой тумани бўлимига ёзма равишда хабарнома берган.

Лекин "Ўзагросуғурта" ДАСК Чимбой тумани бўлими томонидан ушбу хабарнома белгиланган тартибда кўриб чиқилмаган. Яъни ташкилот тегишли ҳужжатлар тўлиқ эмаслигини кўрсатиб суғурта пули тўланмаслигини билдирган. Ваҳоланки, кўрсатилган ҳужжатлар суғурта ташкилотининг айби билан ўз вақтида ишланмай қолган.

Ушбу масала бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги суғурта шартномасига асосан "Қару" фермер хўжалигига тўланиши лозим бўлган 4.263.000 сўм суғурта пуллари тўлаб берилиши тўғрисида "Ўзагросуғурта" ДАСК Қорақалпоғистон Республикаси дирекциясига тақдимнома киритди. Унга асосан фермер хўжалигига суғурта пули тўлиқ тўланди ва ушбу камчиликларга йўл қўйган шахслар интизомий жавобгарликка тортилди.

**Мақсет СЕЙТИМБЕТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими**

## Шаҳар бедарвоза эмас

# 8 ёшли "бойвучча" қизалоқ

### онасининг макрига итоат этганди

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб киришнинг чекланган меъёрларига (Адлия вазирлигида 1998 йил 13 мартда 412-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосан акциз солиғи солинмасдан олиб кириш учун умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бештагача заргарлик буюмларига рухсат берилади. Ўрнатилган мазкур меъёрдан ортиқчасини олиб киришда эса жисмоний шахслар тегишли божхона тўловларини тўлаши талаб этилади.**

БУНДАН ташқари, Адлия вазирлигидан 2004 йил 23 апрелда 1342 рақам билан рўйхатга олинган "Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномага мувофиқ, божхона чегараларини кесиб ўтиш пайтида тўлдириладиган божхона баённомаларининг 5-бандида олиб ўтилаётган қимматбаҳо заргарлик буюмларининг миқдори аниқ кўрсатилиши шарт.

Шунга қарамай, зебу зарга ҳаддан ортиқ "муҳаббат қўйган" баъзи кимсалар контрабанда билан шуғулланишни ўзларига лозим топиб, мазкур тартибларни бузишга уринмоқдалар.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан тилла буюмларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ бир



нечта қонунбузарлик ҳолатларига нуқта қўйилди.

"Навоий" чегара божхона пости ходимлари томонидан юртимизга Қозоғистон Республикасидан пиёда кириб келаётган И.Иргашева тегишли тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, ундаги қиймати 19 миллион сўмдан ошиқ салкам 176 грамм тилла тақинчоқларнинг божхона баённомасидан "беркитилгани" аниқланди.

Шунингдек, ушбу пост ходимлари томонидан аниқланган яна бир ҳолатда қўшни давлат фуқароси Н.Ташметова қинғир мақсадлари йўлида 8 ёшли қизалоғидан фойдаланишга уринганини фош этилди. Қарангки, бу аёл қизалоғининг билакларига қиймати салкам 21 миллион сўмлик 186,2 грамм оғирликдаги 18 дона тилла билакузукларни тақиб, яширинча олиб ўтишга уринган экан.

Вилоятнинг "С.Наджимов" божхона постида қўшни давлат фуқароси Д.Ҳакимова томонидан қиймати 4 миллион сўмдан ортиқ бўлган салкам 32 грамм зебу зийнатларнинг ноқонуний олиб чиқилишига бўлган уриниши фош этилди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари ва текширув жараёнлари давом эттирилмоқда.

**Тошкент вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати**

## Долзарб мавзу

# Миллионлар ўйини ва мухлислик маданияти



**ЮРТИМИЗДА аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, уларни спортга ошно руҳида тарбиялаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, биз спортни фақат ғалаба қозониш маҳсули эмас, балки руҳан камолга эришиш воситаси сифатида қабул қилдик. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган бу борадаги эзгу ишлар ўз самарасини бермоқда. Буни биргина ўзбек футболида эришилаётган муваффақиятлар ҳам тасдиқлайди.**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 йил 1 майда қабул қилган **"Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ҳамда 2011 йил 19 январда қабул қилинган **"2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорларга асосан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, футбол билан шуғулланувчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида қуриб битказилган пойтахтимиздаги "Бунёдкор" стадиони бу каби эзгу ишларнинг юксак амалий ифодаси бўлди.

Президентимиз ушбу янги иншоот билан танишгач, **"Биз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир ва алломаларнинг авлодларимиз, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқмиз. Халқимизнинг ана шундай гўзал фазилатлари мана бундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак. Ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи назар унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши даркор. Бу борада Ўзбекистон Футбол федерацияси, футбол клубларимиз раҳбарлари, мутахассислар футбол мухлислари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши лозим. Бир сўз билан айтганда, юртимизда мухлислик маданиятини ҳам энг юқори даражага кўтаришимиз даркор"**, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, мухлислик маданиятининг ўзига яраша масъулияти ва мезонлари мавжуд. Бу масала бугунги кунда, айниқса, футбол атрофида долзарблигича қолмоқда. Боиси, дунё миқёсида футбол ривожлангани сайин у билан бирга турли нохуш одатлар ҳам одимлаб келмоқда.

Очиғини айтганда, инсон тасаввур олами кенг ва мураккаб: у хаёл суради, фикрлайди, мулоҳаза юритади. Бу жараёнда янги мушоҳадалар шакллана боради. Аслида киши тасаввурини ўзгартириш учун кўп вақт керак, баъзан эса бир оний воқеа кифоя. Масалан, битта чиройли гол. Агар миллионлар ўйинига қизиқсангиз, таъкидлаб қўяйлик: футбол — ҳам спорт, ҳам санъат. Шу боис, футбол теварагидаги баҳслар, мунозара ва муҳокамалар, таклиф, эътироф, таскин ҳамда истаклар асло сусаймайди. Бинобарин, футбол ер юзидаги аксарият одамлар учун энг қизиқарли ўйин, энг кўнгилочар томошага айланиб улгурди. Энди одам авлодлари тўртбурчак майдонда тўпнинг шунчаки юмалашини кўриш учун эмас, балки ҳавода ва ерда шиддату гўзаллик касб этаётган тўп ва оёқлар фалсафасини, ўйинчиларнинг юз ифодасию, табассум ва афсусларини, хуллас, ҳиссиётларини кўриш, англаш учун мусобақаларга келадиган бўлдилар. Чунки инсон табиати азалдан ҳиссиётларга, ифодаларга ўч бўлган. Футболни эса ҳиссиёт ва ифодалар ўйини, дейиш мумкин.

Кейинги йилларда футболнинг катта бизнесга айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Айтайлик, бугун қайси ўйинчининг баҳоси қанча эканлиги ҳақидаги баҳслар одат тусига кирган. "Энг қиммат ўйинчи", "Энг бой футбол клуби", "Энг бой футболчи" каби атамалар пайдо бўлдики, улар атрофидаги моддиятга мойил мақсадлар урчиши баробарида спортга, инсон қадр-қимматига путур етказадиган ҳолатлар юзага келиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ана шундай манзаралардан бири футбол фанатлари билан гавдаланади.

"Фанат" сўзи лотинчада "кўр-кўрона ишонувчи", "асабий" деган маъноларни билдиради. Маълумки, моҳияти англанмай қилинган хатти-ҳаракат интиҳоси ҳар гал нохуш тугайди. Асабийлик эса шундан бошланади. Бугунги дунё футбол "фанат"ларини ҳам шу ҳолат ё тоифага менгзаш мумкинмикин? Ўхшаши йўқ оҳанг ва сандироқ қўшиқ сўзларига жазавага тушаётган "санъат шайдолари"ни кўп кузатгансиз. Хорижий юртлар стадионларидаги "фанатлар" ҳам улардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Баъзилари яланғоч баданидаги турфа ёзув ва беўхшов татуировкаларни кўз-кўз қилиб, бачкана безак ва тақинчоқларини шақирлатиб, жунбушга тушади. Уларнинг асл мақсади нима экан, деган саволомуз ўй туғилади. Бу футболга муҳаббатми ё ўзаро тотувликка, ҳам спорт, ҳам санъатга айланган футбол жозибасига путур етказиш, турли низолар келтириб чиқариш мақсадида атай ўйлаган усулми? Эҳтимол, бу бугун дунё бўйлаб шахдам одимлаётган "оммавий маданият"нинг мухлислик ниқоби остидаги ёлғон кўринишидир?

Дарвоқе, мухлис ким ўзи? "Мухлис" сўзи — "ихлос қўйган", "ишонган" деган маъноларни англатади. Ҳақиқий мухлис юксак маданият соҳиби бўлиб, айтайлик, севимли жамоасининг ғалабасини ҳам, мағлубиятини ҳам муносиб қабул қилади. У жазавага тушиб, бошини трибуналарга урмайди, унинг стадион ўриндиғида мавжудлигидан футболчиларнинг кўнгли хира тортмайди, хавотирга тушмайди. Аксинча, футболчи тўп сурар экан, ўз мухлисини кўриб руҳи кўтарилади, вужудида ғалабага иштиёқ ортади, ортида Ватани, халқи борлигини ҳис этади. Шундай дамларда, албатта, ғалаба мухлис томонда бўлади.

Айтиш жоизки, халқимизда мухлислик маданияти шаклланган. Шундай экан, биз ҳақиқий миллий менталитетимизга хос мухлислик маданияти билан севимли жамоамизни қўллаб-қувватламоғимиз зарур. Зеро, айни шу каби маданият орқали ҳам бизни дунё танийди. Фақат бизгагина хос олижаноблик, вазминлик ва мушоҳадакорлик, донишмандлик каби хислатларимизни спортда, хусусан, футболда ҳам қўлласак, нур устига аъло нурдир.

Мамлакатимизда футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида мухлислар жамоат тартиби ва ахлоқ нормаларига риоя этишлари, хусусан, спорт иншоотининг жиҳозларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари, бошқа жамоаларнинг мухлисларига нисбатан қўпол муносабатда бўлмасликлари, атрофдагиларга хавф соладиган ҳаракатларни содир этмасликлари, шубҳали предметлар ва буюмларни кўрганда зудлик билан спорт иншооти маъмурияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига хабар беришлари, давлат рамзларига, шунингдек, Ўзбекистон Футбол федерацияси, Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси, клублар ва жамоаларнинг рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидалари"да ҳам ўз аксини топган.

Юртимизда футбол мухлислари учун барча қулайликлар муҳайё. Шаҳару қишлоқларимизда қурилаётган муҳташам спорт иншоотлари, футбол стадионларида томошабин-мухлислар учун энг қулай шароитлар яратилган. Эндиликдаги вазифа эса футбол клублари ва мухлислар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, стадионларда мухлислик маданияти тартиб-қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, айни шу мақсад йўлида ёш ва баркамол авлодимизни ватанпарварлик, бағрикенглик, жўмардлик, вазминлик руҳида тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир. Биз яхши биламиз — бобокалонларимиз дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган, ҳар бир хатти-ҳаракатлари замирида доимо фалсафийлик акс этган, илму маърифатли кишилар бўлган. Ҳаммамиз шуни ҳис этсак, шунга интилсак, доимо тараққиётга, мудом ғалабага эришамиз.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

## Хўжалик суди амалиётидан

# Ўзбошимча қурилган иморат

## бузиб ташланади

**ЎЗБОШИМЧАЛИК билан қурилган иморат суднинг қарорига биноан уни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланишига сабаб бўлади.**

### Ишнинг мазмуни

2012 йил 11 майда туман нотурар жой бино-иншоотлар давлат кадастр хизмати, туман архитектураси ва хусусий корхона вакиллари иштирокида уйни хатловдан ўтказиш жараёнида ер кадастри хизмати корхонаси ва хусусий корхона ўртасида тузилган 2012 йил 1 майдаги шартномага асосан хусусий корхонага 332,0 кв.м. ер майдони ажратилган.

Хусусий корхона ажратилган ушбу 332,0 кв.м. ер майдонининг 161,0 кв.м. ҳудудида тегишли ҳужжатларсиз ва давлат органининг рухсатисиз ноқонуний қурилма барпо этган.

Хусусий корхона раҳбари бир неча марта огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, ноқонуний қурилмани ихтиёрий равишда бузиш чораларини кўрмаган.

Шу сабабли, туман ҳокимлиги хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, хусусий корхона томонидан ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний қурилмани унинг ўз ҳисобидан бузиш ва ер майдони сатҳини тартибга келтириб қўйишни сўраган.

### Даъвогарнинг важлари

Суд мажлисида қатнашган туман ҳокимлиги вакили даъво аризасидаги талабларни қувватлаб, уларни қаноатлантиришни сўраган.

### Жавобгарнинг фикри

Хусусий корхона вакили суд мажлисида сабабсиз қатнашмаган, туман ҳокимлигининг даъво аризасида келтирган важлари юзасидан ёзма фикрини билдирмаган.

### Учинчи шахслар фикри

Суд мажлисида қатнашган ер кадастри хизмати корхонаси ҳамда архитектура ва қурилиш бошқармаси вакиллари туман ҳокимлигининг даъво аризасидаги важларини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўраган.

### Суднинг ҳал қилув қарори

Туман ҳокимлигининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Ер майдони сатҳини тартибга келтириб қўйиш тўғрисидаги даъво талаби бўйича иш юритиш тугатилсин.

Ўзбошимчалик билан қурилган, 161,0 кв.м. ерда жойлашган ноқонуний қурилма ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин 20 кун ичида бузиб ташлансин ва ноқонуний қурилмани бузиш билан боғлиқ харажатлар хусусий корхона зиммасига юклатилсин.

### Суднинг ҳал қилув қарорига шарҳ

Суд амалиётининг кўрсатишича, юридик ва жисмоний шахслар мулк ҳуқуқи борасида ҳалигача етарли даражада маълумотга эга эмас. Шу сабабли, уларнинг фаолиятида юқорида қайд этилган салбий ҳодисалар учраб турибди.

Фуқаролик кодекси 212-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 509-сонли қарори билан тасдиқланган **"Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 2-банди талабига асосан идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, янги қурилаётган, реконструкция қилинаётган (кенгайтирилаётган), техника билан қайта жиҳозланаётган ва замонавийлаштирилаётган мавжуд ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишидаги объектлар "Бошдавархитектқурилиш-назорат" бошқармаси органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Мазкур талабга риоя этмасдан қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"** 2010 йил 19 ноябрдаги 220-сонли қарорининг 12.1-бандида ҳам таъкидланган.

Бинобарин, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Шу билан бирга, шахс бундай қурилмани тасарруф этишга, яъни бошқа шахсга сотишга, ҳадя этишга, васият қилишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан ҳар қандай бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга мулк ҳуқуқи вужудга келмаганлиги сабабли, бундай қурилма ҳуқуқий ворислик ёки мерос ҳуқуқининг объекти бўлолмайди. Зеро, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари Фуқаролик кодексининг 182-моддасида аниқ кўрсатилган. Булар — меҳнат фаолияти; мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкини хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослардир.

Энг ачинарлиси шундаки, зарур рухсатнома олмасдан, архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда ўзбошимчалик билан қурилган иморат бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига реал хавф туғдириши мумкин.

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида рухсатнома асосида архитектура ва қурилиш қоидаларига риоя этган ҳолда қурилган имо348ратгагина мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Шунинг учун қурилиши тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатисиз объектнинг бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди. Башарти, қурилган иморатга кадастр ҳужжатлари ва рухсатнома бўлмаса, нотариал тартибда битимлар ҳам расмийлаштирилмайди.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиш фақат суднинг қарорига биноан амалга оширилади. Бунда ноқонуний қурилма бевосита уни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузилиши мумкин. Фуқаролик кодексида ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиш муддати белгиланмаган, яъни бундай қурилмани бузиш муддатини белгилаш суднинг ўзига ҳавола этилган.

Бунда суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 142-моддаси талабларига кўра, ноқонуний қурилманинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин 20 кун мобайнида хусусий корхона ҳисобидан бузилиши кўрсатилган.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар вакили суд мажлисига келмаган, шунингдек, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр билдирмаган. Бундай ҳолда, суд жавобгар вакилининг суд мажлисида иштирок этмаганлиги, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр билдирмаганлиги хўжалик ишини мавжуд ҳужжатлар асосида кўришга тўсқинлик қилмайди, деб ҳисоблаб, Хўжалик процессуал кодекси 130-моддасининг иккинчи қисмига асосланган ҳолда низони жавобгар вакилининг иштирокисиз ҳал қилган.

Суд ер майдони сатҳини тартибга келтириб қўйиш тўғрисидаги низо Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддасида кўрсатилмаган ва бундай низо хўжалик судида кўриб чиқиш учун тегишли эмас, деб ҳисоблаб, Хўжалик процессуал кодекси 86-моддасининг 1-бандини қўллаб, ушбу даъво талаби бўйича иш юритишни тугатган. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида"** 2007 йил 15 июндаги 162-сонли қарорининг 19-бандида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди ушбу низони тўғри ҳал этиш ва одил судловни амалга ошириш мақсадида Хўжалик процессуал кодексининг 42-моддасига мувофиқ ер кадастри хизмати корхонаси ҳамда архитектура ва қурилиш бошқармасини низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишда иштирок этишга жалб қилган. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, ишда иштирок этувчи шахслар сифатида тарафларнинг барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларини бажарадилар, фақат даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, шунингдек, даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш ёки келишув битими тузиш, суд ҳужжатининг мажбурий тарзда бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи бундан мустаснодир.

Шундай экан, хўжалик юритувчи субъектлар иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурган бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат деб ҳисобланишига эътибор беришлари лозим.

Демак, ўзбошимчалик билан қурилган иморат суднинг қарорига биноан уни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланишига сабаб бўлади.


**Тошкент давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга**
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**1. "Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ"** кафедраси бўйича
Кафедра мудири — 1;
катта ўқитувчи — 1.
**2. "Давлат ва ҳуқуқ тарихи"** кафедраси бўйича
Кафедра мудири — 1.
**3. "Халқаро хусусий ҳуқуқ"** кафедраси бўйича
Кафедра мудири — 1.
**4. "Жиноят ҳуқуқи ва криминология"** кафедраси бўйича
Доцент — 1.
**5. "Маъмурий ва молия ҳуқуқи"** кафедраси бўйича
Катта ўқитувчи — 1.
**6. "Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар"** кафедраси бўйича
Катта ўқитувчи — 1.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
*1. Ректор номига ариза;*
*2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
*3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари;*
*4. Илмий ишлар рўйхати.*

**Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона. Телефонлар: 236-09-39, 233-66-36.**


Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 6 мартдаги 37-ум-сонли буйруғига асосан "NIZAM USTINLIGI" адвокатлик бюроси адвокати Нзаматдинов Жолдасбай Мнажатдиновичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақомининг амал қилиши тикланди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 21 январдаги буйруғига асосан тўхтатиб турилган вилоятдаги "Адолат манзили" адвокатлик фирмаси адвокати Толибов Ғайбулло Ибодовичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми бошқарма бошлиғининг 2013 йил 22 мартдаги 45-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Тошкент давлат юридик институти профессори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби
**Ғафур АБДУМАЖИДОВ**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси Марказнинг Самарқанд вилоятлараро бўлинмаси ходими А.Жўраевга отаси
**Маҳкамтош ЖЎРАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Гиёҳвандлик — аср вабоси

# Сирли халат

## чўнтагидаги оғу

**БИР қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратадиган аёл, мўътабар зот ҳамиша эъзозга лойиқ. Иродаси метиндай мустаҳкам аёл азал-азалдан миллат кўрки, оила устуни бўлиб келган.**

ЖИНОЯТ ботқоғига ботган Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида туғилиб ўсган Муқаддам Пўлатовага нисбатан юқоридаги мўътабар сўзларни ишлатиб бўлмайди.

Муқаддам якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланарди. Топар-тутари ёмон эмас эди. Туман деҳқон бозорида нон сотарди. Тақдирни қарангки, Россияда ишлаш учун кетган ўғли у ерда вафот этди. Эр қамоқда. Бир кунини кўриб юрган аёл тўғри йўлдан адашди.

Чунончи, у текин даромад орттириш мақсадида оғуфурушликка қўл урди. Қоракўл деҳқон бозорида тухум сотиш билан шуғулланадиган Муҳаррам Қосимовани у ўзига шерик қилиб олмоқчи бўлди.

— Муҳаррам опа, қўлингизни булғаб тухум сотиб юраверасизми? Героин деган гиёҳванд модда бор. Сотиш билан шуғуллансангиз нақ кони фойда. Грамми 60 000 сўмдан, — оғзидан бол томиб сўзларди Муқаддам. — "Ишқибозлари" ҳам сон-саноқсиз. Мижозлар орттириб олсангиз, пулнинг тагида қоласиз.

— Ўт билан ўйнашиб, куйиб қолмайлик, — деди Муҳаррам "ҳамкорлик"ни даъват этаётган заҳарфурушга.

— Гугурт қутиси ичига солинган 3 дона сигарет фалга қоғози бўлакларига алоҳида-алоҳида ўралган героинни сотишдан бошланг. 0,73 грамм. Сотиб бўлсангиз, мана мен борман. Фақат ҳушёрликни қўлдан бой берманг, — паст оҳангда сўзларди Муқаддам.

Оғуфурушнинг омади бор эканми, ишлари юришиб кетди. У гиёҳвандлик касалига чалинган Абдурасул Ҳамдамовга 3 дона полиэтилен пакетларига ва 1 дона 100 сўмлик пул бўлагига солинган вазни 0,49 граммга тенг бўлган героин гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотди.

...Қоракўл тумани деҳқон бозорида якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи Жамила Тўраеванинг ҳаёти ағдар-тўнтар бўлишига озгина қолди. У қизининг никоҳ тўйидан Муқаддам Пўлатовани хабардор қилади. Муқаддам Жамиланинг қизи Дилнозага аёллар халати сотиш учун олиб келди. Халат сотилди. Қоғоз бўлагига ўраб, 19 грамм героин гиёҳвандлик воситасини халат чўнтагига солиб қўйди. Мақсад уни шерикликка айлантириб, қинғир йўлга бошлаш эди. Тўй ўтгач, Жамила халат чўнтагидаги заҳриқотилни қайтариб беришни дилига тугиб, уйига кираверишдаги палас остига яшириб қўйди.

Оғуфуруш "қармоғи"га қўшниси Тошпўлат Муталов илинди. Тошпўлат илгари ҳам гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан шуғулланганлиги учун 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. 2003 йил 31 декабрда амнистия актига асосан жазодан озод этилди. Бироқ у қилмишидан хулоса чиқармади. Яна гиёҳвандликка муккасидан берилди. У 5 грамм героинни Муқаддамдан 300 000 сўмга сотиб олади.

Муқаддам Пўлатованинг кирдикорларига ўтган йили кузда нуқта қўйилди. У Самарқанд давлат университети ёнида Зилола Сувоновадан 45 дона целлофан бўлакларига алоҳида-алоҳида қадоқланган, вазни 37,18 грамм героин гиёҳвандлик воситасини кейинчалик сотиш учун 1 300 000 сўмга қонунга хилоф равишда сотиб олади. У заҳри-заққумни сотиш мақсадида олиб келаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари томонидан қўлга олинди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судида оғуфурушларга нисбатан суднинг одил ҳукми ўқилди. Муқаддам Пўлатова 11 йил умрини темир панжаралар ортида ўтказадиган бўлди. Унинг шериклари ҳам айбларига яраша жазоларини олишди.

**Учқун РЎЗИЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди судьяси**


ИНСОН ва ҚОНУН
1996 йилнинг январидан нашр этилади
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Мамадалиев Зайниддин Очилович
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ
Нашр индекси: 137
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-6784. Тиражи — 22673.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5